ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1995 йил, 31 октябрь, сешанба № 130 (612). ● Сотувда эркин нархда

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 31 октября 1995 г. № 130 (612). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

2 СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН! ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ

3 ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ ДОПРИЗЫВНАЯ ПОДГОТОВКА

4 ЛИЦЕЙДА БАЙРАМ ЛЕГКИХ ПОБЕД НЕ БЫВАЕТ

ПРЕЗЕНТАЦИЯ КНИГИ ИСЛАМА КАРИМОВА В ПАКИСТАНЕ

В столице Пакистана — Исламабаде 29 октября состоялась презентация книги Президента нашей республики Ислама Каримова «Узбекистан по пути углубления экономических реформ». Презентацию книги, вызывающей большой интерес деловых кругов и общественности этой страны, организовали посольство Узбекистана в Пакистане и Ассоциация по культуре организации экономического сотрудничества (ОЭС).

Это мероприятие стало заметным явлением в жизни пакистанской столицы. На него в зал приемов гостиницы «Холидей инн» пришли известные государственные и общественные деятели, ученые, писатели, бизнесмены, представители зарубежных посольств и международных организаций, аккредитованных в Исламабаде, местные и зарубежные журналисты. Выступившие на презентации генеральный секретарь Ассоциации по культуре ОЭС, известный ученый Газанфар Мехди, министр коммуникаций и автомобильных дорог Пакистана Шахиз Сиддики, президент Ассоциации по культуре ОЭС, видный исследователь истории Центральной Азии Ахмад Хасан Дани, министр внутренних дел Пакистана Насурилла Бабар и другие дали высокую оценку книге Ислама Каримова.

Выступившие отмечали, что этот труд ярко отражает суть экономических реформ, которые успешно проводятся в нашей стране. Особое значение имеет то, что при их реализации не были механически использованы рыночные модели других стран. Зарубежный опыт внимательно изучается, но все проблемы решаются с учетом местных условий, истории и традиций узбекского народа.

Отмечалось, что книга не только обобщает первые итоги экономических реформ в Узбекистане, но и раскрывает суть и методы решения основных задач в сфере экономического развития, определяет пути создания сильного демократического правового государства. В этом заключается важное международное значение этой книги, отмечали выступавшие. Новая теория и практика государственного и хозяйственного строительства Узбекистана привлекает серьезное внимание ведущих экономистов и политологов мира.

Выступивший на церемонии Чрезвычайный и Полномочный Посол Республики Узбекистан в Пакистане Наим Ганбов рассказал о все возрастающем интересе к книге Ислама Каримова во многих странах.

На презентации выступил Председатель Олий Мажлиса Республики Узбекистан Эркин Халилов, находившийся в Пакистане во главе парламентской делегации нашей страны.

(УзА).

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!

МАРДУ МАЙДОН — УЧОВЛОН

ЁХУД УЧ ЭГИЗАК ОҒА-ИНИ СЕРЖАНТЛАР — ҲАСАН, ҲУСАН ВА ЮСУФ АШУРОВЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА СУРАТЛИ ЛАВҲАЛАР

«Ўзбекистон фуқаросининг ватанапарварлиги, бу — қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод аждодларининг номус-орига, чуқур эҳтиромга, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан хизматга чақирилиб, она-Ватан олдидаги йигитлик бурчларини виждонан ўтаётганликлари учун сержант унвонини олишга муяссар бўлишган уқувли ва шижоатли эгизак йигитлар — Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф Ашуровлар ҳақида ёзар эканман, Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидаги мазкур сўзларни бот-бот эслайман.

Дарҳақиқат, ўзининг, ота-онаси ва ёру биродарлари, ор-номусини ўйлаган, авлод-аждодлари ҳурматини жойига қўя олган инсондагина Ватанга содиқлик, ватанпарварлик туйғуси чуқур илдиз отган бўлади. Ана шундай фидойи кишиларгина бу сўзлар магзини том маънода чақиш, идрок этиш тафаккурига эга бўладилар. Бундай комил инсонлар хатти-ҳаракатини кўриб, қалбингиз тоғдай кўтарилади ва беихтиёр, «тарбия берган ота-онангиз асло дард кўрмасин», дейсиз. Афсуски, панжадаги беш бармоқнинг бир хил бўлмаганидек...

Мана, шу кунларда Қуролли Кучларимиз — ўз мустақил она-юртимиз армияси сафларига кузги мавсум чақируви давом этмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмалар сафларини соғлом, чақирув муддатини кечиктириш ёки хизматдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёш йигитлар тўлдирмоқда. Бироқ, турли-туман асоссиз сабабларни важ-корсон қилиб, Конституциявий бурчини ўташдан ўзини четга олишга ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик тушунчасига юзаки қараётган, дили билан тили ҳамоҳанг бўлмаган бундай «йигит»лар зеро лавҳамиз қаҳрамонларидан ибрат олсалар! Енгил ҳаётга ўргатишган эркатойларини армиядан олиб қолиш илинжида мудофаа ишлари бўлим ва бошқармаларига зир чопқиллашаётган ота-оналар учун серфарзанд оиланинг бошлиғи Қаржовбой аканинг ҳамда унинг умр йўлдоши Нукрахон опанинг фидойи инсонийлиги, ор-номуслилиги, ватанпарварлиги ўрнак бўлса!

ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙГУНГА ҚАДАР

Ҳасан ва Ҳусан ҳам, Юсуф ҳам мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ота-онасининг бир сўзини икки қилмайдиган, ўзидан катталар ҳурматини жойига қўядиган мўмин-қобил ва ўткир зеҳнли бўлиб тарбия топишди. Меҳнатсеварликлари туфайли айтилган ишни доим бирбиридан олдин бажариш, олқиш олиш илинжида бўлишарди. Шу боис ҳам қўни-қўшни-ю, муаллимларигача улар ҳақда фақат яхши фикрлар билдиришар, бундан ота-онаси ич-ичидан севинарди.

— Юсуф, сен оғайниларингдан сал орқада қолаяпсан, — деди кунларнинг бирида жисмоний тарбия ўқитувчиси турникда тортилиш бўйича ўтказилган машғулотга якун ясар экан. — Фаолроқ ҳаракат қилмасанг, чорак якунида «4» баҳо қўйишга тўғри келади.

Учовлон мактабдан қайтишаркан, Юсуф оғайнилари суҳбатига чурқ этиб қўшилмади. Фақат уйларига яқинлашганда уларга илтимосомуз тарзда деди: «Дадам билан ойимга айтиб юрманглар, бу камчилигимни мен

(Давоми 2-бетда).

● УЛАРДАН ЎРНАК ОЛИШАДИ

Мақтовга сазовор лейтенант

Қуролли Кучларимиз сафлари етук малакага эга, тажрибали офицерлар ҳисобига кўпаймоқда. Улар эл-юрт осойишии йўлида чинакамига хизмат қилиб, қўмондонликнинг буйруқ ва кўрсатмаларини бекаму кўст бажаришмоқда. Десантчилар бўлинмасида хизмат қилаётган лейтенант Нуржон Эргашев ҳам ана шундай ҳарбийлар сирасидан.

Нуржон Алмати умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртини муваффақиятли тамомлагач, офицерлик фаолиятини десантчилар бўлинмасида бошлади. Бу ерда тажрибали командирлар кўмагида курсантлик йилларида олган малакаларини изчиллик билан мукаммаллаштирди. Ўз устида тинимсиз ишлади, изланди. Шу боис ҳам орадан кўп ўтмай, унга бўлинма командирининг ҳарбий десант тайёргарлиги бўйича ўринбосари лавозимини ишониб топширишди.

Қўли остидагиларга нисбатан талабчан, хизмат бурчини виждонан ўтаётган лейтенант Нуржон Эргашев қисм қўмондонлигининг мақтовига сазовор бўлаётир. Чунончи, у тарбиялаётган солдатлар жанговар ўқув машқларини бажаришда кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар. Дала-ўқув машғулотларида бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, ҳарб илмини пухта эгаллмоқдалар.

— Улкан марраларни забт этишимда менга қисм командирининг ҳарбий десант тайёргарлиги бўйича ўринбосари офицер Ўктам Каримов яқиндан ёрдам бераётир, — дейди Нуржон.— У қачон бўлмасин, мендан ўз кўмагини дариғ тутган эмас. Шу боис уни жуда ҳурмат қиламан.

Лейтенант Н. Эргашев парашютларни ўз қоидаси бўйича тахлаш, сакрашга мўлжалланган турли машқ воситаларидан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқларини ҳарбий хизматчиларга, айниқса, ёш солдатларга жуда синчковлик билан ўргатади. Бу ор қали асосий мақсадга, яъни сержант ва солдатларнинг парашютдан сакраш чоғида аниқ ҳаракат қилишларига эришади. Ўз қўли остидагилардан ҳар бири хатти-ҳаракатини Низом талабларига мос равишда бажаришларини қатъий назорат қилади.

Оддий аскарлар — Р. Маҳмудов, К. Раҳмонов ва бошқа ҳарбий хизматчилар лейтенант Эргашевнинг буйруқ-кўрсатмаларини оғишмай бажариб, сафдошлари ўртасида обрў-эътибор қозонмоқдалар.

Лейтенант
Ш. МАҲАММАТОВ.

ВАЪДАСИГА ВАФОДОР

Тошкентлик Ришад Қосимов хизматга жўнаб кетар экан, ота-онасига йигитлик бурчини ёруғ юз билан ўтаб қайтишига ваъда берди. Армияда учрайдиган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, ҳарбий касбнинг ҳақиқий соҳиби бўлишни қалбан ният қилди.

У ана шундай эзгу орзулар билан офицер К. Ҳамидов бошқараётган авиация бўлинмасида солдатлик хизматини ўтай бошлади. Бу ерда Ватанимизнинг ёш посбонларини муносиб қаршилаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё эди. Улардан етук малакага эга офицер ҳамда кичик командирлардан иборат гуруҳ қаршн олди. Илк танишувлардан сўнг, кечагина ота-онаси бағрида бамайлихотир юрган ва бугун ҳарбий либос кийиб, мустақил юртимиз ҳамда унинг заҳматкаш халқи осойишини ҳимоя қилишга отланган йигитларга ҳарбий хизматнинг муҳим томонлари ва Низом қонунқоидалари хусусида тушунчалар берилди.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилиб, ҳақиқий қуролли ҳимоячига айланган оддий аскар Ришад Қосимов ўз офицер ва сержантларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга, бугунги ишни эртага қолдирмаслик ақидасига қатъий амал қилди. Илғор ҳарбий хизматчилардан ўрнак олишга интилди. Йўл қўйган камчиликларини такрорламаслик устида бош қотирди.

Интилувчан бу йигит фидокорона хизмати туфайли командирлари ва сафдошлари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Якуний синов машғулотлари чоғида бор билим ва маҳоратини ишга солиб, текширувчи ҳайъат вакилларининг таҳсинига сазовор бўлди.

Олти ой ичида улкан марраларни забт эта олган аълочи солдат навбатдаги ўқув мавсумига пухта ҳозирлик кўриб, унда яна ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритишга азму қарор қилган. Ишончимиз комилки, у ўз ниятига, албатта эришади, ота-онасига берган ваъдасининг устидан ёруғ юз билан чиқади.

Лейтенант
Ш. ХОШИМОВ.

И ГОЛОЛЕД НЕ СТРАШЕН

Каждый рабочий день в нашем подразделении начинается с инструктажа по соблюдению мер безопасности и постановке задач на работу в автопарке. Затем под руководством начальника автослужбы старшего лейтенанта Д. Вашурина водители и другие специалисты приступают к выполнению запланированных работ по переводу техники на режим осенне-зимней эксплуатации.

С первых дней наиболее успешно справляются с поставленными задачами водители Ш. Джураев и М. Ахадов. Они уже провели весь необходимый объем работ на своих машинах и теперь помогают сослуживцам.

Нелегкая работа выпала на долю бригады, состоящей из рядовых Я. Убайдуллаева, А. Гаязова и А. Гусева. Им была поставлена задача провести замену шин. Глядя на то, как ловко управляются солдаты с тяжелыми колесами, трудно поверить, что всего год назад придя в подразделение, они и гаечный ключ как держать в руках, не знали. Сегодня они заменили все шины на машинах подразделения, и поэтому зимний гололед водителям уже не страшен.

Наиболее сложные работы по обслуживанию техники выполняются под руководством командира взвода прапорщика А. Султансандова. В числе его подчиненных немало новичков, только начавших службу. Примечательно, что они не теряются в автопарке и стремятся работать не хуже опытных специалистов. Рядовые У. Маматкулов, Ю. Югай и Н. Шукуров уже не раз назывались при подведении итогов дня в числе лучших.

Впереди у водителей еще немало работы. Надо продефектовать все автомобили, заменить масло, залить антифриз, обслужить все точки смазки, прочно подтянуть крепления двигателя, ходовой части. Благодаря четкой организации работ, план перевода техники выполняется успешно, и можно быть уверенным, что зима не застанет наших водителей врасплох.

Рядовой Ю. СУСЛОВ.

РЕСПУБЛИКАДА — В РЕСПУБЛИКЕ

Буюк Британия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакилларидан иборат делегация Фарғона вилоятида бўлди. Делегация таркибида Буюк Британиянинг пахта ва буғдой етиштириш, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, наслчилик, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатадиган ўн битта йирик компаниялари мутахассислари ҳам бор.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси патент маҳкамасининг ҳар уч ойда чиқадиган «Расмий ахборотнома»сининг навбатдаги сони босилиб чиқди. Тўпламда мамлакатимизда патентланган кашфиётлар, саноат намуналари ва товар белгилари тўғрисидаги маълумотлар бор.

* * *

Ўзэкспомарказида «Латвия бизнес кунлари» кўргазмаси иши ниҳоясига етди. Унда Болтиқбўйидаги бу мамлакатнинг 40 га яқин фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш қилди. Кўргазма иши давомида янги алоқалар ўрнатилди. «ДЗИНТАРС», «ВЭФ», «РАФ» каби айрим корхоналар билан узилиб қолган алоқалар тикланди. «Латвия бизнес кунлари» доирасида банк семинарлари ўтказилди, уларда икки мамлакат ўзаро ҳисоб-китоби, валюталарини алмаштириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

27 октября в посольстве Республики Узбекистан в Российской Федерации состоялось подписание протокола об установлении дипломатических отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Армения. Протокол подписали Чрезвычайный и Полномочный Посол Республики Узбекистан в Российской Федерации Ш. Шахалилов и Чрезвычайный и Полномочный Посол Республики Армения в Российской Федерации Юрий Мкртумян.

* * *

Проблемам экологического состояния региона, примыкающего к Амударье, была посвящена конференция, состоявшаяся в Бухаре. Ее организовали Бухарское отделение международного фонда экологии и здоровья «Экосан», областные комитеты охраны природы и лесного хозяйства, экологический центр Бухарского государственного университета. В конференции участвовали ученые и специалисты-экологи из Узбекистана, Таджикистана и Туркменистана.

* * *

Состоялся очередной пленум Верховного суда республики. В его работе участвовали руководители правоохранительных органов Узбекистана, ученые-правоведы, судьи Верховного и областных судов.

На пленуме обсуждались проблемы усиления борьбы с наркоманией.

ҲАМДУСТЛИКДА — В СОДРУЖЕСТВЕ

Тожикистон Республикасига Малайзия, Япония, Таиланд, Покистон, Эрон ҳамда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси миллий мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, Европа ҳамжамиятининг таъсис дастури бўйича ҳам кадрлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда 500 нафар тожикистонлик мутахассислар халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича юқорида номлари қайд этилган мамлакатларда таҳсил олмоқда.

* * *

Чеченистонда ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномага қарамай, Россия Федерал кучлари билан Чеченистон Қуролли тузилмалари ўртасида отишмалар бўлиб турибди. Ана шундай отишмаларнинг бирида Россия Федерал кучлари аскарларидан 18 киши ҳалок бўлган, 8 нафар аскар эса Чеченистон жангарилари томонидан асирга олинган.

* * *

Россия Президенти Борис Ельциннинг беморлиги сабабли шу ой охирида унинг Сербия, Босния ва Хорватия раҳбарлари билан музокаралар ўтказиши ҳамда келгуси ой бошларида Хитойга расмий ташрифи муддатлари ўзгартирилди.

* * *

После шести с половиной лет перерыва заработал второй энергоблок армянской атомной электростанции мощностью 400 мегаватт.

Станция была остановлена весной 1989 года вскоре после разрушительного землетрясения в Армении, которое не причинило АЭС повреждений.

* * *

Екатеринбургский международный фестиваль фортепианных дуэтов, который назывался «Парад премьер», собрал исполнителей из России, Германии, Эстонии, Латвии, Узбекистана и Японии.

* * *

Глава государства Грузии Эдуард Шеварднадзе при беседе с корреспондентом грузинского радио подчеркнул, что денежная реформа, проводимая в республике, даёт хороший эффект.

ЖАҲОНДА — В МИРЕ

Афғонистонда ҳукумат қўшинлари билан «Толибон» ҳаракати ўртасидаги жанглар давом этмоқда. 26 октябрь куни толибонлар Қобул шаҳрини эгаллашга яна бир бор уриниб кўришди. Бироқ, Президент қўшинлари пойтахтнинг жанубий ва ғарбий йўналишларида уларнинг ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлди, деб хабар қилди Афғонистон Мудофаа вазирлиги вакили.

* * *

Лондонда Россия ва МДҲ давлатларида молиявий бозор ва банк тизимларига бағишланган халқаро конференция очилди. Унда Европа ва Шимолий Американинг 100 дан ортиқ иқтисодчи олимлари, банк вакиллари ва тадбиркорлари иштирок этмоқда. Улар анжуман давомида МДҲ давлатларида юзага келаётган молиявий бозор ва банк тизимларидаги муаммоларни муҳокама этадилар.

* * *

Сенат США большинством голосов принял предложение о переносе американского посольства в Израиле из Тель-Авива в Иерусалим. Решение было одобрено также палатой представителей.

Перевод посольства состоится не позднее 1 мая 1999 года.

* * *

Кабинет министров Франции утвердил законопроект о мерах борьбы с преступностью.

Ужесточаются меры наказания за терроризм и увеличивается число преступлений, которые классифицируются как террористический акт. Законопроект был разработан после серии взрывов бомб во Франции, в результате которых семь человек были убиты и не менее 170 получили ранения. Новые меры предусматривают более продолжительные сроки тюремного заключения для лиц, осужденных за террористические акты.

(По материалам печати и информационных агентств).

● АНАЛИЗИРУЕМ ИТОГИ ПРОВЕРКИ

РАБОТАТЬ В ПОЛНУЮ СИЛУ

Танковое подразделение, в котором служит старший лейтенант Б. Хамидов, с начала учебного года показывало высокие показатели в боевой подготовке. Подтверждением отличной выучки танкистов стала и недавняя итоговая проверка, в ходе которой они держали ответственный экзамен на ночном контрольном тактическом занятии. Замечу, процент поражения пушечных и пулеметных целей был достаточно высоким, что и определило конечную оценку.

В первом полугодии танкисты заявили о себе в полный голос. Не намерены они были сдавать завоеванных рубежей и в летнем периоде обучения, а поэтому, по-прежнему настойчиво шлифовали свое мастерство. Но, как известно, предела совершенству нет, а поэтому призадумались в коллективе: что необходимо предпринять, дабы еще более улучшить качество боевой учебы?

На повестку дня, прежде всего, был вынесен вопрос о повышении методического мастерства офицеров и сержантов. Ведь чтобы учить других, надо самому быть профессионалом. С этой целью занятия по командирской подготовке и инструкторско - методические занятия по всем темам стали проводиться с детальным анализом. На вооружение командиры взводов, экипажей брали все лучшее, чего достигли в подразделении и что было в багаже опытных специалистов по огневой, технической подготовке и, конечно же, по тактической. Ведь именно этот предмет, как показали первые занятия, был пока слабым местом в выучке отдельных офицеров и сержантов. Некоторые из них допускали ошибки как в период подготовки, так и при организации огневого взаимодействия, взаимодействия своих и поддерживающих подразделений. Нередко терялись, когда действовать приходилось самостоятельно. Оставалась пока низкой и культура ведения рабочих карт, других документов, обязательных при организации боевых действий. В большей мере это касалось офицеров, призванных из запаса.

Но к чести офицеров подразделения, они не теряли зря времени, старались полностью использовать учебный процесс для повышения уровня подготовки каждого специалиста. Систематический разбор каждого занятия завершался тщательным анализом допущенных ошибок.

На одном из полевых занятий, к примеру, экипаж сержанта А. Рахимова действовал недостаточно грамотно. В частности, при выполнении очередной вводной механик-водитель рядовой К. Тахиров замешкался с управлением боевой машиной и подставил бок условному противнику. На разборе занятий командир подробно проанализировал действия командира экипажа и его подчиненных. Были замечания и в адрес командира взвода.

Исходя из этого, в подразделении задумались также над проблемой максимального приближения занятий к боевой обстановке. Офицеры повели тогда предметный разговор о работе каждого командира в режиме полной самоотдачи, самоотверженного отношения к выполнению должностных обязанностей. «Не работаем мы в полную силу», — произнес на совещании один из офицеров. И эта фраза заставила многих задуматься. Ведь чтобы находиться на высоте сегодняшних требований, предъявляемых к командиру, каждый офицер должен быть образцом для личного состава в профессиональном мастерстве и выполнении служебного долга.

Интенсивность обучения, приближение условий проведения занятий к реальной боевой действительности дали ощутимые результаты. На итоговой проверке личный состав подразделения, возглавляемый старшим лейтенантом Б. Хамидовым, показал высокие результаты в боевой подготовке. Воины-танкисты, исправляя предыдущие ошибки, сделали для себя соответствующие выводы. В конечном счете, их труд окупился сторицею — они по праву добились звания лучшего подразделения.

Капитан
Б. ДЖУРАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

МАРДУ МАЙДОН — УЧОВЛОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

тез кунлар ичида тузатаман».

Юсуф сўзининг устидан чиқди. Орадан кўп ўтмай, унинг номи ҳам тағин соф аълочилар қаторида тилга олина бошлади. Бунда биринчи навбатда ўзининг тиришқоқлиги асосий омил бўлган бўлса, оғайиларининг кўмаклари ҳам асқотди, албатта.

Оға-инилар нафақат жисмоний, чақириққача тайёргарлик сабоқларида ҳам синфда биринчилардан бўлиб, шу фан муаллимининг мақтовини эшитишарди. Сафда юриш, турли тўсиқлар оша чопиш ва бошқа машғулотларда эпчиллик, уқувлилик қирраларини намоён этишарди.

— Сизлардан жуда яхши жангчи чиқади, — деб зўр мамнуният билан олқишларди уларни ёшларни чақириққача тайёрлаш фани ўқитувчиси. — Агар тайёргарликни сусайтирмасангизлар, бемалол десантчи бўлишинглар мумкин.

Ҳасан оғайиларини ўзига хос маслаҳат-кенгашга тўплаганида, уларнинг мактабни битиришларига унча кўп вақт қолмаган эди. Суҳбат узоқ чўзилмади, «Кун тартибидаги — кейинги ҳаёт йўлини тахминий белгилаш ҳақидаги масала тезда ҳал бўлди: ҳунар-техника олим юртида таҳсил олишга келишилди. Уларнинг бу қарорлари ота-оналари томонидан ҳам тўла тасдиғини топти.

— Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтишмаган, — деди ота. — Шундай хулосага келганларингдан онангиз ҳам, мен ҳам жуда хурсандмиз. Фақат, бирон ҳунарни эгаллаётганда, қунт билан ўрганинг. Ана шунда кейинчалик юзингиз қизариб қолмайди, касбингиздан барака топасизлар.

Эгизаклар ҳунар-техника билим юртида таълим олиб, бири — дурадгорлик, иккинчиси — пайвандловчилик, учинчиси — ошпазлик касбини эгаллар экан, ҳар бири ўз мутахассислиги сирларини пухта билишга қатъий бел боғлади. Ҳаракатда — баракат, деганларидек, уларнинг уринишлари ҳам аста-секин ўз меваларини бера бошлади. Бундан воқиф ота-оналар хурсандчилиги бир олам эди. Ахир қай бир ота-она ўз фарзандининг касб-ҳунарли бўлаётганидан севинмайди, дейсиз.

Сир эмас, агар инсоннинг қалбида қўри, ғурури, шижоати бўлса, ёшидан қатъи назар у ишлаб чиқариш ёки таълимнинг ҳар жабҳасида фақат илғорликни кўзлайди, шунга интилади. Оғайиларнинг ҳам билим юртида ўқиш билангина чекланиб қолмай, бу даргоҳ жамоат ишларида фаол қатнашдилар, спорт мусобақаларида ҳар доим совринли ўринларни забт этиб, мақтовга сазовор бўлдилар.

ОНАНИНГ КУНГЛИ БОЛАДА

Отанинг қалби ҳам айнан шундай! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! Лекин барибир, она — она-да!

Қаржовбой ака ишдан келган заҳотиёқ умр йўлдоши кайфиятининг негадир бошқачароқ эканлигини сезган бўлса-да, сир-бой бермади. Чунки биладики, у сўрасин-сўрамасин, Нуқрахон опа дилидагини айтади. Бироқ онаизорнинг бугалги «дил ёриши» одатдагиларидан фарқли бўлди: у дастлаб кўзига ёш олиб, кейин сўз бошлади:

— Эгизакларимизнинг учаловига ҳам военкоматдан повестка опкелишди, — деди у мунгли тарзда. — Ҳаммасини баб-баравар опкетиб қолишса-я...

— Жуда кўнглинг бўша, онаси, — деди хотининнинг сўзини охиригача тингламаёқ Қаржовбой ака. — Армия ёшига етганларидан кейин чақирув қоғози келади-да! Нима, уларнинг тенгқурларидан кам жойи бормиди-ки, хизматга олишмаса...

— Учаловини ҳам бирданига олиб кетишса, уйимиз ҳувиллаб қолгандай бўлади-ку! Эркаклигингизга борий, бу томонини ўйламайсиз-да!

— Биринчидан, — деди Қаржовбой ака, уйимиз ҳеч ҳувиллаб қолмайди! Шукрки, бизда атиги уч фарзанд эмас! Иккинчидан, опкетиб узоқ-узоқларга жўнатишаётгани йўқ. Бир ярим йиллик хизматларини ўз юртимизда ўташади-қайтишади. Нима, Ўзбекистоннинг олис жойи бор эканми?! «Кўргим келди, соғиндим», десанг хизмат жойларига олиб бориб келаман. Сен учун саёҳат ҳам бўлади. Армияга бирданига бориш масаласини эса ўзлари ҳал қилишсин...

Шу кунги кечки дастурхонни Нуқрахон опа алоҳида дид билан байрамона безади. Оила аъзолари жамул-жам бўлиб, аъло кайфиятда тамадди қилиб олишгач, ота сўз очди:

— Ҳасан, бугун военкоматдан чақирув қоғози олиб келишди...

— Бизга-чи? — сўрашди шошилишиб Ҳусан билан Юсуф. — Нима, бизга келтиришмадими? Ахир биз ҳаммамиз...

— Учаловингизни ҳам армияга чақиришган, — бамайлихотир сўзида давом этди Қаржовбой ака. — Бироқ ойингиз барчангизнинг биодонига жўнашингизни унча рўй-ҳушламаяпти, чоғи. Сизлар бунга нима дейсизлар?

— Ҳаммамиз бирга бориб, бир жойда хизмат қилсак, жуда яхши-ку! — деди Юсуф ошиққансимон оҳангда. — Масалан, Ҳасан ва Ҳусан армияда тенгқурлар даврасида хизмат қилишса-ю, мен улардан кейин укам тенгилар сафида хизмат қилсам... Ойимга буни ўзимиз ётиғи билан тушунтирамиз.

Шу пайт эшик очилиб, чойга чиққан оила соҳибаси кириб келди. Умр йўлдоши ва фарзандлари қароридан воқиф бўлгач, оқ фотиҳа бериб, дуо қилди: «Ой бориб, омон келинглар, манглайингизга ҳеч қачон ғубор тегмасин...»

Қаржовбой ака бўлғуси солдат ўғилларига оқ йўл тиларкан, командирлар сўзларини икки қилмаслик, уларнинг ҳар бир буйруқ-топшириғини ўз вақтида, бекаму кўст бажариш шарт эканлигини қайта-қайта қатъий уқтирди.

— Гўзал Ўзбекистонимиз мустақиллигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳозир авваламбор сиз ва сизнинг ёшингиздаги йигитлар қўлида. Ишонаманки, бу муқаддас бурчингизни шараф билан уддалайсизлар. Жанговар техника ва қурол-яроғлар сирларини эгаллаб олишда табиий равишда дуч келиладиган барча қийинчиликларни енгиб ўтасизлар, ўзингиз ва ота-онангиз, қариндошлару ёр-биродарларингиз юзини ерга қаратмайсиз. Мен бунга юз чандон ишонаман, — деди. Ушанда 1994 йил апрель ойининг бошлари эди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ: ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТЛАР

Ҳарбий либос кийиб, йигитлик бурчларини ўтай бошлашларига саноқли кунлар қолган ўғлонлар тушган поезд Тошкентда айтарли кўп ушланмай, яна манзилини давом эттирди. Бўлғуси солдатларнинг аксарияти, жумладан Ҳасан, Ҳусан ва Юсуфлар ҳам қайси гарнизонга бораётганликлари, шунингдек, қай бир қўшин турида хизмат қилишларини олдиндан билишарди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасига қисмдан келган вакил-офицер ва солдатлар бу ҳақда айтишган эди.

Улар белгиланган станцилда поездан тушиб, махсус жиҳозланган машиналарда десантчилар бўлинмасига етиб келишганида солдатлар саф-саф бўлиб, ошхона томон тушликка боришарди. Янги келган йигитлар учун улар ҳаракати ўзгача таассурот ва ҳавас бағишлар, «биз ҳам тезроқ ҳарбий либос кийсак», деган фикр ҳаёлларини чулғаб олганди.

Навбати келиб, улар ҳам саф тортишди. Кичик командирлар йўқлама ўтказиб бўлишгач, ошхонада тушлик қилишди. Ҳаммомдан кейин яп-янги ҳарбий уст-бош кийишиб, олдиндан таъмирланиб, тайёрлаб қўйилган ётоқхонада жойлашиб олишди. Сержантлар ва тажрибали солдатлар кўмагида оқ ёқа тикишни ўрганишди. Эртасига кун тартиби бўйича уйғонишиб, бадан тарбия қилишди, нонуштадан кейин эса саф тортиш, сафда юриш, командирга мурожаат қилиш, Низом қонун-қоидаларини ўрганиш каби дастлабки машғулотлар, бир сўз билан айтганда, ҳарбий ҳаёт бошланди.

Оддий аскар эгизаклар илк кунларданоқ ҳарбий Низом талабларига қатъий амал қилиб, алоҳида ҳамда сафда шахдам қадам ташлаб юриш, жисмоний тайёргарлик ва бошқа машғулотларда ўзлари билан бирга келишган йигитлар орасида ўрнак кўрсата бошлашди. Бўш вақтлари бўлиши биланоқ, спорт майдончасига чопишди. Бу ерда турникда тортилиш, маълум вақт ичида турли тўсиқлардан айланиб ўтиш, узунлик ва баландликка сакраш, энсиз устун устида юриш каби машқлар билан шуғулланишди. Ижтимоий-сиёсий ахборот хонасида ички ва қоровуллик хизмати Низомларини қайта-қайта мутолаа қилишди. Уйига хат ёзишди.

ИЛК МАКТУБ

Ўғилларини армияга кузатишгач, орадан икки ҳафта ўтган бўлса-да, ҳамон эгизак солдатлардан хат келавермасди. Онанинг кўнгли безовталана бошлади. Қаржовбой ака эса фарзандларининг ишончли командирлар қўли остида тарбия топаётганига шубҳа қилмас, шу боис ҳам улардан хотиржам эди. Ўз туйғусини умр йўлдошига бир неча бор айтса-да, уни тўла хотиржам қилолмаётганди. Ана шундай кунларнинг бирида...

Ишдан келган хонадон соҳиби кўрсаки, уй соҳибасининг чиройи бошқача: юзида табассум, кутиб олиши ҳам ўзгача бўлиб, лаби-лабига тегмай жуда хурсанд ҳолда гапирялпти. Қаржовбой ака умр йўлдошидан ажойиб бир хушхабар эшитишини сезиб турган бўлса-да, оҳиста сўради: «Ойижониси, бугун кайфиятинг бошқачароқми?» Нуқрахон опа айнан шу саволни кутиб тургандай, дарров «ёрилди»:

— Суюнчи беринг, дадаси, суюнчи! Солдат болаларимиздан биринчи мактуб келди бугун. Ҳаммамизга кўпдан-кўп салом айтишибди. Сог-омон юришган экан, яқинда сурат ҳам юборамиз дейишипти.

— Тўхта, онаси, — унинг сўзини бўлди Қаржовбой ака. — Хатни опкел-чи, мен ҳам бир ўқиб чиқай.

Ота ўғилларидан келган мактубни овоз чиқариб ўқишга тутинди. Унда, жумладан шундай сўзлар битилган эди:

«Ассалому алайкум меҳрибон дада ва ойи! Авваламбор, сизларга дарров хат ёзиш ўрнига армиянинг қизғин ҳаётига берилиб, орадан 4—5 кун ўтказиб юборганимиз учун узр. Ишонтириб айтамизки, бундай ҳол бошқа такрорланмайди, келгусида ҳафтасига камида битта мактуб йўллаб турамиз.

Ўзларингиз ака-ука, қариндошу, қўни-қўшниларимизнинг бари соғ-саломатмилар. Маҳалла-қўйда қандай янгиликлар бор? Синфдош йигитларнинг ҳаммаси армияга кетишгандир, ёки ҳали уйида юрганлари ҳам борми? Вақт топиб, хизматда юрган дўстларимиз адресларини бизга жўнатсангизлар, улар билан ҳам хат олишиб турардик.

Энди биздан хабар сўрасангизлар, соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибмиз. Армия хизмати баъзи бировларнинг айтганидай қийин эмас экан. Устимиз бут, қорнимиз тўқ. Кунига уч маҳал иссиқ овқат беришади, нонушта ва кечки овқат маҳали, албатта сариёғ, шакар бўлади. Бундан ташқари, компот, турли сабзавот ва мевалар-у ошкўкларни айтмайсизми!

Командирларимиз — капитан Олимбой Жўраев, катта лейтенантлар — Шуҳратбек Насриддинов, Орифжон Турғунов, Иқромжон Исматов ва Иброҳимжон Мадраҳимов, муддатдан ташқари хизматдаги старшина Бахтиёр Обидовлар солдатларга, айниқса, биз — яқинда хизматга келганларга нисбатан жуда эътиборли, ғамхўрлар. Улар доимо биз билан бирга бўлиб, ҳолимиздан мунтазам хабар олиб туришади. Шундай бўлгач, хизматимиз кўнгилдагидек бўлаяпти. Ҳеч қандай нолийдиган жойимиз йўқ.

Бўлинмамиз солдатлари учун «старик» ёки «молодой», деган гап-сўзлар бегона. Кимнинг қай бир вилоятдан келгани ва қай миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар, барчамиз бир оила аъзоларидек аҳилмиз. Ҳарбий тайёргарликларнинг илк машғулотлариданоқ фаол қатнашаётганимиз учун бўлинмамиз командирининг ўринбосари катта лейтенант Насриддинов учаламизни ҳам саф олдида мақтади, минтдорчилик билдирди.

Бизлардан ҳеч хавотир олманглар. Оилада уч эгизак бўлсак, бу ерда мисоли барчамиз оға-ини эгизаклармиз. Кўришгунча хайр, бизнинг номимиздан ёру биродарларимизнинг барчасига кўпдан-кўп саломлар бўлсин, деб, солдат ўғилларингиз — Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф».

Шу-шу икки ўртада мактуб йўллашлар бошланиб кетди. Бундан ота-онанинг ҳам, фарзандларнинг ҳам диллари шод. Бир гал хатни Ҳасан ёзса, кейинги ҳафтада Ҳусан ёки Юсуф битади. Бироқ, мактуб жўнатилишидан олдин биргаликда ўқиб чиқилади, қўшимчалар киритилади. Уйдан олинган хат эса, албатта жамул-жам бўлиб ўқилади (биринчи саҳифадаги суратга қаранг).

АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳа, армияни бежиз катта ҳаёт мактаби, дейишмайди. Негаки, энди балоғат ёшига етган йигит ушбу ўзига хос мактаб синовларида тобланади, касб-ҳунар ўрганади, ота-она қадрига кўпроқ етади. Она-Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, байналмилал дўстлик каби эзгу туйғуларни теран идрок этади. Унда масъулиятлилик, фидойилик, меҳнатсеварлик ва жонкуярлик сингари туйғулар том маънода мужассамлашади.

Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф Ашуровларнинг ҳарбий ҳаётда дуч келинадиган мураккабликларни қийналмай енгиб ўтишларида уларнинг ёшликдан заҳматкаш ва шижоатли бўлиб камол топганликлари асосий омил бўлди. Ватанга сидқидилдан хизмат қилишдек олий мақсадларига, ҳарбий Қасамёдларига содиқ бўлиб, десантчилик касби сир-синоатларини пухта эгаллашди. Ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлганликлари, мавсумий ўқув машғулотларининг якуний синовларида юксак натижаларга эришганликлари туфайли оддий аскарликдан сержант унвонигача кўтарилдилар.

Улар командирлик қилаётган бўлинмалар шахсий таркиби ҳозирда жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва бошқа тайёргарликлар бўйича пешқадамликни қўлдан бермай келишмоқда. Солдатларнинг барчаси кичик командирлари хизматидан, талабчанлиги-ю муомаласидан жуда мамнун.

— Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф Ашуровлардай йигитларни тарбиялаб вояга етказганликлари учун улар ота-онасига, шунингдек, мактаб ва ҳунар-техника билим юрти жамоасига минг раҳмат, — дейди бўлинма командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари катта лейтенант Ш. Насриддинов. — Улар ҳар қандай топшириқни бемалол уддалай оладиган ҳақиқий қуролли ҳимоячилардир. Қани энди барча солдатлар ҳам улар каби ақл-идрокли, эпчил ва маҳоратли бўлишса!..

«Мустақил мамлакатимиз Конституциясида Ватанни қўриқлаш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи эканлиги айтилган. Агар биз қирчиллама йигит бўла туриб, она-юртимизни ҳимоя қилишга тайёр бўлолмасак, унда қанақа қодир инсон бўлдик. Халқимиз бизга ўз ҳимоясини ишониб топширган экан, биз бу юксак ишончни шараф билан оқлаймиз. Ота-онамиз, дўсту биродарларимиз юзини ҳеч қачон ерга қаратмаймиз».

Учовлон оға-ини сержантларнинг қалб даъвати ана шундай бўлиб, улар ўз сўзлари устидан чиқиб келишмоқда. Дала шароитида ўтказиладиган жанговар-ўқув машғулотларидами, ҳарбий самолёт ёки вертолётдан парашютда сакраш машқларидами қўрқув ёхуд иккиланишни хаёлларига ҳам келтиришаётгани йўқ. Шу билан бирга, ўз билганларини қўл остидаги солдатларга пухта ўргатиб, уларни ҳам аълочилар сафига олиб чиқишмоқда.

Маълумки, армияда хизматдан ташқари, солдатларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам катта эътибор берилади. Бўш пайтлар, айниқса дам олиш кунлари шаҳарнинг гўзал жойларига, музей ва театрларга экскурсиялар уюштирилади. Кинофильмлар, концерт ва спектакллар намойиши, турли спорт беллашувлари ташкил этилади. Эгизак кичик командирлар бу тадбирларда ҳам ҳар доим бўлинмаси шахсий таркибига бош-қош бўлишмоқда. Қисқаси, улар кичик командир зиммасига не-ки юклатилган бўлса, талаб даражасида бажариб келишаётир.

МЕҲНАТ ФРОНТИДА ҲАМ

Халқ ва армия якдил. Бу — инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Далаларимизда деҳқонларимиз резареза пешона тери эвазига мўл пахта ҳосили етиштирилди. Шу кунларда кўплаб солдатларимиз ҳам этак боғлаб, пахта далаларида жавлон уришмоқда. Республикамиз «оқ олтин» хирмони юксалишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ана шу пахтакор-жангчилар орасида Ҳасан, Ҳусан ва Юсуфлар ҳам бор. Улар «биз кичик командирмиз», деб буйруқ бериш билан кифояланиб туришгани йўқ. Этак боғлаб, кунига қариб юз килограммдан пахта теришяпти, шахсий таркибга намуна кўрсатиб, улкан хирмон юксалишига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Яқинда улар меҳнат қилишаётган вилоят пахта штаби билан сим орқали боғланганимизда, у ердаги офицер-командирлар ака-ука сержантлар номларини пешқадамлар қаторида фахр билан тилга олишди.

Ҳа, эгизак жангчилар — марду майдон уловлон нафақат жанговар хизматда, шу билан бирга меҳнат фронтида ҳам фидойилик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиб, олқиш олишмоқда. Ўзларини шон-шарафга буркамоқдалар. Ватан посбонлари — Ҳасан, Ҳусан ва Юсуф Ашуровларнинг хизмат ва меҳнат фаолиятларини қисқа бўлса-да ёритган мазкур лавҳани Юртбошимизнинг она-Ватанга меҳрсадоқатли бўлиш ҳақида таъкидлаган сўзлари билан якунлашни маъқул топдим: «Ватани севмоқ иймондандир».

Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

Суратларда: **сержант Ҳасан Ашуров жисмоний тайёргарлик машғулотида; сержант Ҳусан Ашуров саф тайёргарлиги бўйича машғулот ўтказяпти; сержант Юсуф Ашуров парашютда сакраш учун самолётга чиқиш олдидан.**

Суратлар муаллифи **В. БАГАЕВ.**

Военно-Техническое Обозрение

ЭКИПИРОВКА ВОЕННОСЛУЖАЩИХ

В ведущих западноевропейских странах постоянное внимание уделяется совершенствованию боевой экипировки военнослужащих сухопутных войск. Правильное решение данной проблемы способствует успешному выполнению поставленных перед войсками задач в любых природно-климатических условиях и боевой обстановке. На первый план выдвигаются такие требования, как универсальность, практичность, повышенная надежность. Особое место занимает проблема максимального облегчения веса и обеспечение удобства обмундирования, снаряжения и шанцевого инструмента, от чего непосредственно зависит выживаемость и мобильность военнослужащих на поле боя.

В БЕЛИКОБРИТАНИИ полевое обмундирование разрабатывается с учетом физико-географических и климатических условий мест дислокации сухопутных войск: от арктических районов до пустынь и джунглей. Кроме того, решается задача соответствия обмундирования условиям боя в городе.

Типовой комплект полевого обмундирования офицера или солдата любого рода войск состоит из кожаных ботинок, камуфлированных (в зависимости от физико-географических условий) брюк и куртки (жилет), изготовленных из высокопрочного влагонепроницаемого материала, поясного ремня, нательного белья защитного цвета (летнего или утепленного), рубашки, шерстяного пуловера, берета и каски. В зависимости от температурных особенностей предусматривается возможность доукомплектования легкими теплостойкими подстежками и прорезиненными комбинезонами. Для действий в снегу или на болотистой местности на ботинки надеваются высокие (до колен) чехлы из влагонепроницаемой синтетической ткани. Все элементы верхней одежды имеют большое количество накладных и внутренних карманов конкретного предназначения.

Комплект полевого обмундирования весит от 1 кг (для пустыни) до 2,5 кг (для холодных климатических зон). Основными направлениями совершенствования обмундирования являются повышенная прочность, эластичность и легкость материалов, универсализация маскировочной окраски.

В ближайшее время предполагается принять новую полевую форму одежды типа «луковица». Она содержит универсальные предметы обмундирования: нижнее легкое (летняя рубашка с короткими рукавами, трусы) или теплое белье, свитер на молнии, легкую полевую куртку и брюки, а для зимы шерстяную подкладку и брюки или куртку и брюки с подкладкой из утепленного материала типа гортекс, удлиненную куртку и брюки из быстровысыхающего плотного материала повышенной носкости, полевые ботинки на утолщенной подошве. На новой форме также предусмотрено большое число карманов.

Личное оружие британских военнослужащих сухопутных войск: 5,56-мм автоматическая винтовка А80 (масса со снаряженным магазином 4,68 кг), 7,62-мм снайперская винтовка (6,6 кг), 7,62-мм ручной пулемет (13,85 кг), 9-мм пистолет-пулемет (3,5 кг). Кроме того, каждому из них положены две противопехотные ручные гранаты (350 г) и (395 г). Максимально носимый боекомплект ко всем видам автоматического оружия состоит из пяти снаряженных магазинов, размещенных, как правило, в нагрудном подсумке, разделенном на пять секций и одновременно выполняющем функцию пулезащитного жилета.

Носимый комплект средств защиты от стрелкового оружия и ОМП включает металлопластиковый защитный шлем, пулезащитный жилет, прорезиненный костюм и противогаз. К основным средствам защиты относятся защитный шлем (450 г), пулезащитные жилеты со сменными пластинами трех видов, прорезиненный костюм 1МК4 (2 кг), противогазы М17 (900 г), «36» (400 г) с водопроводной трубкой и флягой около 1 кг. В настоящее время ведутся НИОКР в области пулезащитных жилетов из высокопрочных керамических сплавов, а также разрабатываются универсальные фильтры, предохраняющие от высокотоксичных газов. Предполагается экипировать военнослужащих новыми шлемами на нейлоновой основе (массой 1,5 кг).

В экипировку военнослужащих входят различные средства наблюдения и связи: переносные радиостанции типа «Клансман», применяемые в звене (взвод — рота — батальон); переносной персональный прибор ночного видения «Дэвин спайлюкс» (600 г); переносной прибор наблюдения за тепловыми объектами «Торн эми» (5 кг), бинокль ночного видения «Нова» (500 г); прибор ночного видения «Игл»; приборы визуального наблюдения ОЕ 8000 (800 г), ОЕ 8010 (700 г).

Шанцевый инструмент, средства выживания и маскировки имеют многофункциональное назначение. В зависимости от поставленной задачи британский военнослужащий обеспечивается соответствующим инструментом, оборудованием или специальными средствами: саперной лопаткой с телескопической ручкой (1,1 кг), ножом — мачете (480 г), перочинным ножом (40 г), высокопрочной кордовой веревкой, магнитным компасом, курвиметром, фонарем, спальным мешком и одеялом, комплектом зажигалок и охотничьих спичек, цветными сигнальными огнями, портативной спиртовой горелкой, неприкосновенным пакетом экстренной помощи, косметическим набором камуфляжной окраски лица и рук, противомоскитной сеткой и гамаком, дезодорантами против насекомых, стальной струной для перепиливания деревьев, комплектом наручников.

Медицинские средства представлены большим перечнем аптечек первой помощи, перевязочных пакетов, наборов предметов личной гигиены, средств очистки и фильтрации питьевой воды, шприцев с обезболивающими препаратами, а также приспособлений для эвакуации раненых.

Продовольственные пайки формируются с учетом калорийности, простоты приготовления, продолжительности хранения и возможности употребления в любых погодных условиях. Они делятся на облегченный боевой рацион, саморазмораживающийся консервированный набор (125 г), набор для экстремальных условий, (750 г), суточный полевой рацион для одного военнослужащего (1 кг), для двух (1,4 кг), для трех (3,25 кг). Специалисты занимаются вопросом калорийности и питательности продовольственного пайка без увеличения его массы.

В части и подразделения сухопутных войск Германии поступает новая боевая экипировка. В зависимости от обстановки это может быть облегченный, тяжелый или полный вариант.

Облегченная экипировка: камуфлированные (пятицветные) форменные брюки и куртка, майка и кепи (для танкистов — камуфлированный комбинезон), рюкзак, шлем с камуфлированным чехлом и очки, защищающие от осколков, бронежилет, ботинки с высоким берцем на шнуровке. Штатное личное оружие: винтовка (4,7 кг) или пистолет (780 г.), ручные гранаты М-41 или М-51 (500 г). В носимый комплект боеприпасов входят 40 патронов (две обоймы) для винтовки и 16 патронов (две обоймы) для пистолета, две ручные гранаты. Носимый комплект средств защиты от ОМП состоит из противогаза, защитного костюма, перчаток, защитных чулок и накидки. Кроме того, военнослужащие имеют индивидуальные дегазационный и медицинский пакеты (общая масса 4,5 кг). Шанцевый инструмент — малая саперная лопатка двух модификаций (до 1,2 кг). Средства связи — радиостанция ЕМ-52, специальное снаряжение; включающее кобуру для пистолета и сигнального пистолета, чехол для радиостанции, карманный фонарь, флягу в чехле, сумку для гранат, планшет, сумку с запасным затвором к пулемету или винтовке. Данный вариант экипировки, по оценке немецких специалистов, позволяет обеспечивать нормальное функционирование военнослужащего в условиях боевой обстановки в течение 2 суток.

В полную экипировку входит также носимая сумка с запасным бельем, зимним или летним обмундированием, запасной обувью и т. д. Как свидетельствует опыт, общая масса экипировки не должна превышать 30 кг. В бундесвере существует программа, предусматривающая обновление до 70 проц. экипировки к 2000 году.

(По материалам зарубежной печати).

БАРЧАНИНГ ҚАЛБИДАГИ ТУЙҒУ

Туронзамин халқларининг азалий қондошлиги, дини, тили, одатлари, илдизи бирлиги, маданият ва санъатимизнинг бир булоқдан сув ичиши тарихий ҳақиқатдир. Шу боис, ана шу қардошлик туйғуси, бир-бирига интилиш истаги доимо, ҳатто, бу ҳақда гапириш гуноҳи азим саналган даврларда ҳам, қалбларимизда яшаб келди.

Шу кунларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, халқларимизни яна-да яқинлаштиришга хизмат қилувчи «Туркистон халқлари маданияти форуми»ни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Биз мазкур халқаро анжуман — курултойни ўтказиш қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Одил ака, мазкур форумнинг мақсади ҳақида гапириб берсангиз.

— Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу ердаги мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш, бир улкан чинор шохлари бўлган халқларимизнинг тотувлигини асраш Президентимиз Ислом Каримов ўтказаётган сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Зотан, юртбошимизнинг шу йил кўкламида Олий Мажлис сессиясида бу қардош халқлар бир оиланинг иноқ фарзандлари, Туркистон эса умумий уйимиз бўлиши лозим, деган гапларида теран маъно бор. Шуни таъкидлашни истардимки, бу барчамизнинг тилимиз учида турган гап эди.

Шу боис биз, бир неча олим ва ёзувчилар «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида халқ ҳаракати тузсак, шу йўл билан бироз сийрак тортиб қолган бордикелдиларни яна тикласак, деган фикрга келдик. Зеро, турли халқларнинг илм-фани, маданияти, адабиёти бир-биридан озиқланиб турмаса ривожлана олмайди.

Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон Республикаси кунлари доирасида бир гуруҳ ўзбек олимлари, ёзувчи ва шоирлари, санъаткорлари қозоқ биродарларимиз билан учрашдик. Суҳбат чоғида ана шу фикрни уларга ҳам айтдик. Шу мақсадда халқаро анжуман — форум ўтказсак, дедик. Шуниси қувончлики, бу ҳаракатга ҳеч ким шубҳа билан қарамади, «керакмикан», «шартмикан» деган гапни айтмади.

Менимча, бунга сабаб биз ўтказмоқчи бўлган тадбир— «Туркистон халқлари маданият форуми»нинг мақсади ниҳоятда олижаноблигидадир. Аввало, бу — сиёсатдан холи, давлатга қарашли бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, норасмий ҳаракатдир. Қолаверса, бизнинг мақсадимиз буюк аждодларимиз боғлаб кетган дўстлик ришталарини яна-да мустаҳкамлаш, Марказий Осиё давлатларида яратилган илмий кашфиётларни, энг яхши адабиёт ва санъат асарларини қардош халқларимиз мулкига айлантириш, бошқача айтганда, халқларимиз маънавий бойлигига бойлик қўшишдан иборатдир.

Бундан ташқари, маданият намояндалари — адибу санъаткорлар, рассомлар — халқ руҳининг ифодачиси, орзу-истакларининг куйчиси экан улар ўртасидаги самимий дўстлик халқларимизнинг чинакам биродарлигига хизмат қилиши табиийдир. Ахир, Собит Муқонов билан Ғафур Ғулом, Ойбек билан Мухтор Авезов, Миртемир билан Абдулла Тожибоев каби сиймолар дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги тилларда достон эмасми?

Сўнгра юқоридаги масала хусусида қирғиз дўстларимиз билан фикрлашдик. Улар ҳам бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Мен, ҳатто, шу кунларда Бельгияда ишлаётган машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов билан телефон орқали гаплашдим. У ҳам бу ҳаракатни ниҳоятда хайрли иш, деб баҳолади.

Тожик, туркман дўстларимиз ҳам бу тадбирнинг бағоят савобли эканини таъкидлаб, бизга хатлар ёзди. Таниқли тожик олими, академик Муҳаммаджон Осимий қўнғироқ қилиб, бу ҳаракатга республика парламентида ҳам хайрихоҳлик билдирилганини айтди:

— Қурултойга тайёргарлик қандай бормоқда? У қачон ўтказилади?

— Шу йил сентябрь ойи бошларида Тошкентда «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташаббус гуруҳи ҳамда ташкилот қўмитаси тузилди. Унга қирғиз адиби Ч. Айтматов, қозоқ дўстларимиздан М. Шаханов, Қ. Муҳаммаджонов, Қ. Найманбоев, туркман олими О. Бобоев, Тожикистондан Б. Содиқов, Ўзбекистондан академиклар П. Ҳабибуллаев ва Г. Пугаченкова аъзо бўлдилар. Ташаббус гуруҳи форум ва унинг биринчи қурултойи мақсади ҳамда вазифаларини белгилади. Дастлабки босқичда амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқди. Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат раҳбарларига мурожаатнома қабул қилинди.

Ташкилот қўмитаси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Ёзувчилар уюшмалари ҳамда Фанлар академияларига таклифномалар юборди. Ҳозир улар билан алоқа боғлаб турибмиз. Қурултойда ҳар бир республикадан ўртача 40—50 нафардан делегат иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Қурултой ноябрь ойининг ўрталарида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

— Сиз адиб сифатида Туркистон халқлари келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Халқимизда этни тирноқдан ажратиб бўлмайди, деган пурҳикмат мақол бор. Туркистон халқлари асрлар давомида қон-қардош, қуда-анда бўлиб яшаб келади. Бир дарёдан сув ичади, бир яйловда чорва боқади. Шундай экан, биз аҳил ва тотув бўлсак, бир-биримизнинг камчилигимизни тўлдириб, кунимизга яраб ҳаёт кечирсак, фаровон келажакка тезроқ эришамиз. Яқинлашиб келаётган «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойига қизиқишнинг катталигига сабаб ҳам айни шундадир. Мухтасар қилиб айтганда, мен Туркистон халқлари келажагини ҳамжиҳатликда, тотувликда кўраман. Форумимиз ана шу эзгулик йўлида хизмат қилишига ишонаман.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ
суҳбатлашди.
(ЎзА).

● ПАХТА ДАЛАЛАРИДАН ДАРАКЛАР

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

«Оқ олтин» туманининг У. Носир номли давлат хўжалиги пахта далаларида офицер В. Полискалин бошқараётган қисм ҳарбий хизматчилари улкан марраларни қўлга киритмоқдалар. Улар илиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш йўлида астойдил саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Умум ютуғига салмоқли улуш қўшиш билан қўмондонликнинг олқишига сазовор бўлаётган ҳарбий жамоалардан бирига лейтенант С. Золин етакчилик қилаётир. Унинг қўл остидаги йигитларнинг ҳар бири 80—100 килограммдан пахта термоқда. П. Каримов, Н. Собиров, А. Қўшназаров, А. Аҳмедов сингари курсантлар илғорликни қўлдан бой бермаслик учун мусобақани авж олдирмоқда. Бу жангчилар жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликларда ҳам юқори кўрсаткичларни эгаллашган эди, бугун эса республикамиз пахта хирмони баланд қад кўтаришида ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

Мазкур аҳил жамоанинг улкан муваффақиятларга эришишида лейтенантлар П. Обидов, О. Хазраткулов, ва муддатдан ташқари хизмат сержанти Б. Рўзметовларнинг хизматлари катта. Улар «оқ олтин»ни ёғингарчилик кунларга қолдирмасдан териб олишда пешқадам бўлмоқдалар.

— У. Носир номли давлат хўжалигининг йиллик режасини 130 фоиз этиб бажаришида қисмимиз шахсий таркиби муносиб улуш қўшди, — дейди командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, капитан У. Нурматов. — Курсантларимиз бундан ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритишга азму қарор қилишган.

Командирнинг гапларида жон бор. Чунончи, давлатимиз, халқимиз бойлиги бўлмиш «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда ҳар биримиз бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз даркор.

* * *

Катта лейтенант Ш. Орипов бошқараётган ҳарбий бўлинма аъзолари ҳам пахта терими мобайнида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ватанимиз посбонлари Фарғона давлат хўжалиги пахтазорларида жавлон уриб ишламоқдалар. Жумладан, кичик сержант К. Чоршанбиев, оддий аскарлар — Т. Гулмуродов, М. Рўзиев каби йигитлар сафдошларига ўрнак бўлмоқдалар. М. Замонов, С. Соатов, О. Мамадалиев ва бошқа оддий аскарлар эса кундалик мусобақада илғорликни қўлдан бой бермасликка астойдил киришганлар. Прапоршчик Е. Мингалиев уларни янада шижоаткорона ишлашга даъват этиш билан бирга ҳарбий тартиб-интизом сақланишини назорат қилаётир.

Сержант ва оддий аскарларнинг ҳордиқ чиқариш масаласи бўйича ҳам барча шароитлар яратилган. Тиббий хизмат капитани Т. Тошев ҳашарчиларнинг саломатлигини назорат қилиш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасида зарур тадбирларни ўз вақтида амалга оширмоқда. Вақти-вақти билан ҳарбий хизматчиларга кинофильмлар намойиш этилмоқда.

Далаларда ҳали пахта мўл. Уларни қўли гул деҳқонлар тинимсиз меҳнатлари эвазига етиштиришган. Буни дилдан ҳис қилган Ватан ҳимоячилари бор куч ва имкониятларини ҳосилни йиғиштириб олишга сафарбар этишмоқда.

Лейтенант
Ш. ҲОШИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ЮРАКДАГИ ГАПЛАР

«ВАТАН МАНИМ ИЧИМДА»

Телевидениянинг қайси бир кўрсатувида хорижлик бир ватандошимиз шундай деган эди: «Ман Ватанда эмасман, Ватан маним ичимда». Дарҳақиқат Ватан — инсоннинг туғилган юрти, ота-боболари эъзозлаб ўтган тупроқ, қолаверса, умрининг мазмунидир. Мен бу ҳақда ўйлай бошласам, тарихий китобларда ўқиганларим, аждодларимизнинг илму амали кўз ўнгимда намоён бўла бошлайди. Ва бу кунги миллатдошларимиз билан юз йиллар, минг йиллар илгариги қавмларимизни қиёслай бошлайман.

Яқинда бир ажойиб китобни ўқидим. Унда эрамизнинг бошларидаги ва ундан олдинги туркий халқларнинг турмуш тарзи, дунё тарихида тутган ўрни, сиёсат ва иқтисоди ҳақида маълумотлар битилган экан. Бу китобни ўқишни бошлаб, қандай тугатганимни билмайман. Кейин яна бир-икки бор ўқиб чиқдим. Қадимги туркийлар асосан кўчманчи бўлишган экан. Олтой тоғларидан тортиб, бу ёғи Хитойгача бўлган ҳудуд уларнинг Ватани ҳисобланган. Эрамизнинг бошларидаги улар тузган давлатнинг дунёдаги беқиёс ўрнини у китобни ўқисангиз билиб оласиз. Лекин шуниси ачинарлики, ўша пайтлардан бизга ҳеч қандай туркий халқларнинг ҳаёти батафсил битилган ёдгорликлар қолмаган. Ўша китобда ёзилишича, қадимги туркийларнинг Ватани ва миллатига бўлган муҳаббати ўта кучли бўлган. Ўтган асрлардаги қаҳрамон боболаримизнинг эркин ҳаёт йўли ҳам буни исботлаб турибди.

Мен туркий халқларнинг бу кунги «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида жипслашишини бирликнинг уйғониши, деб ўйлайман. Бизнинг бу кунги вазифамиз, яна аслимизга қайтишдир. Кейинги юз йиллар ичида бизда кўплаб йўқотишлар бўлди. Буни ҳар бир соҳада кўриб турибмиз. Энг ачинарлиси, ҳатто ўз тилимизни ҳам унутишимизга оз қолди. Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришдик. Тўрт йилдирки, эркин нафас олмоқдамиз. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир онгли фуқароси бугун изланишда, давлатимизнинг келажагини порлоқ кўриш учун ишламоқда, тер тўкмоқда. Хоҳ ҳарбий, хоҳ бошқа соҳада бўлсин, анча ўзгаришлар рўй бераяпти.

Шу ўринда мен армиямиз ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Мен 1992 йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақирилдим ва авиация ҳарбий қисмида хизмат қила бошладим. Шунда кўрдимки, эндигина ҳарбийликка чақирилаётган айрим йигитлар армияга унчалик тайёр эмас, бу уларнинг қандай тарбия олганликларини исботлайди. Агар армиямиз бенуқсон бўлсин десак, биз ҳар бир ўсмирнинг келажагини яхшилаш учун ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ диққат билан эътиборни қаратишимиз лозим. Хуллас, менинг хизматим дастлабки машғулотларни, яъни ҳарбий Низом қонун қоидаларини ўқиб ўрганиш, сафда юриш, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш кабиларни ўзлаштиришдан бошланди. Бўлинмамиз командири майор К. Шожалилов бир ярим йил давомида бизга аэродромни учишга қандай ҳозирлаш, самолётларга техник ёрдам кўрсатиш ва қай ҳолларда тезкорлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини кунт билан ўргатди. Бўлинмамиз солдатларининг бир-бирига бўлган муносабати дўстона эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир машғулотда жуда самарали баҳслар бўлиб турарди. Айниқса, ижтимоий-сиёсий ўқув машғулотлари қизғинлик билан ўтарди. Солдатлар юқорида айтиб ўтганим қадимги туркий аждодларимиз ва уларнинг ҳарбий соҳадаги амалиётлари ҳақида кўп сўрашарди. Лекин кўпинча саволлар жавобсиз қоларди. Бунга сабаб ўша маданий ёдгорликларимизнинг камёблиги, борлари ҳам ўтган асрларда бошқа томонларга ташиб кетилганлигидир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қадимий ёдгорликларимиз ҳақидаги қувончли хабарлар тарқала бошлади. Бу кун кўпчилиги чоп этилмоқда. Ўйлайманки, яқин йилларда бизнинг мукаммал тарихимиз битилган асарлар яратилади. Шунда ҳеч қандай жавобсиз саволларга ўрин қолмайди.

Мен ҳозир Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университетининг филология факультетида ўқияпман. Малакали, ўз касби ва соҳасини чуқур ўрганган олим устозларимизнинг лекцияларида яна кўплаб маълумотларга эга бўляпман. Кўриб турибманки, бу кун нафақат талабалар, балки бутун халқимизнинг юрагида ёлқин бор. Бу ёлқин келажагимизни ёруғ қилсин!

Носирбек ЭРКАБОЕВ,
талаба.

● ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧИҚИНДИ ЭМАС, ХОМ АШЁ

Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари ёғ-мой комбинати саноати чиқиндиси — соапсток асосида саноатнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган янги полимер модда яратишди. Мазкур модда амалда шундай хорижий моддалардан қолишмайди, бироқ анча арзонга тушади.

Институтнинг Республика Фанлар академияси мухбир аъзоси профессор Мирҳожи Асқаров раҳбарлик қилаётган лаборатория кимёгарлари қоллигида олтмиш фоизгача фойдали ёғ бўлган соапстокни тозалаш ва унга кимёвий ишлов беришнинг самарали йўлини топишди ҳамда олинган зарур маҳсулотга НАФ деган шартли ном беришди. У стабилизатор сифатида саноатга тавсия этилди. Ҳозир унинг ёрдамида сунъий чарм, плёнка материаллар ва линолеум олинмоқда. Энди эса, янги полимерга яна бир масъулият «юкланди»: саноат оқаваларини тозалашда янги полимер моддадан фойдаланила бошланди.

А. ОТАЕВА,
ЎзА мухбири

ИЗОБРЕТАТЕЛЬНО И НАГЛЯДНО

Первое, что бросается в глаза при посещении подразделения, где служит капитан Р. Тиллябаев, так это броско оформленный стенд «Сводка по сбору хлопка-сырца». Благодаря ему можно ежедневно узнавать, о ходе уборки, результатах работы воинов каждого взвода. Здесь же — листки-«молнии», рассказывающие о достижениях передовиков. В этот день, к примеру, они сообщали, что рекордсменом стал сержант Бахадыр Бахриев, собравший за день 180 килограммов. Ближайший — рядовой Анвар Соломов немного от него отстал, собрав 166 килограммов.

Активисты подразделений проявляют большую изобретательность, стремясь наглядно и оперативно осветить достижения передовиков и труд воинского коллектива в целом. Заметное оживление вызывают у солдат и сержантов листовки, с юмором рассказывающие об отстающих.

Закончится хлопковая кампания, вернутся военнослужащие к месту постоянной дислокации, но надолго останутся в их памяти труд рядового Сергея Самойлова и других редакторов боевых листков. От души оформленные, со вкусом сделанные, эти яркие странички доходчиво и понятно мобилизовывали сослуживцев на добросовестный труд на хлопковом поле нашей республики.

Лейтенант
Т. МИРЗАХАНОВ.

ДОПРИЗЫВНАЯ ПОДГОТОВКА ЮНОШЕЙ

Вводная тема

С обретением Республикой Узбекистан независимости и суверенитета коренным образом изменилась законодательная база воинской службы. На 3-й сессии Олий Мажлиса принята Военная доктрина Республики Узбекистан. Поэтому старые учебники по допризывной подготовке во многом перестали соответствовать современным требованиям и новой «Программе допризывной подготовки юношей Республики Узбекистан», утвержденной в 1993 году.

Вашему вниманию предлагается проект нового учебника «Допризывная подготовка юношей». Его публикация в нашей газете в течение 1995—1996 годов призвана оказать помощь преподавателям допризывной подготовки юношей и учащимся в изучении данного предмета. Конечно, многие предложенные главы и разделы требуют обобщений, изменений, доработок. Если в ходе ознакомления с материалами учебника у вас возникнут какие-либо предложения, просим направлять их по адресу: 700000, г. Ташкент, Министерство обороны, отдел вузов и вневойсковой подготовки.

Наши публикации начинаются с раздела «Вводная тема», на который отводится 2 часа занятий. Следующий раздел «Прикладная физическая подготовка», рассчитанный на 25 часов, будет опубликован в последующих номерах.

1. Допризывная подготовка юношей — общегосударственный обязательный предмет, ее сущность и значение в современных условиях.

Начиная изложение первого вопроса, вначале следует указать, что в настоящее время вероятность развязывания так называемых малых, локальных и даже региональных конфликтов возросла, и никто не может быть гарантирован от возникновения военной опасности и перерастания ее в военную угрозу. Поэтому предотвращение войны становится общегосударственной задачей.

Безусловно, в современных условиях приоритет должен отдаваться политическим средствам. Однако они будут эффективны лишь тогда, когда политика будет опираться на достаточную экономическую и военную мощь государства. Следовательно, в решении этой важной проблемы наряду с другими государственными институтами должны принимать активное участие и Вооруженные Силы. Именно они призваны обеспечивать территориальную целостность государства, сдерживание и отражение агрессии извне.

Кроме того, наряду с этими традиционными задачами перед Вооружёнными Силами стоят и другие: тесное взаимодействие с органами государственной власти и управления, возрождение престижа воинской службы, системы военно-патриотических ценностей и идеалов, поддерживаемых всем обществом.

В условиях преобразований в военной области осуществляется перевод Вооруженных Сил в новое качество. Проводится структурная реорганизация нашей армии, реализуется принципиальная установка Военной доктрины на придание ей оборонительной направленности и ее развитие на основе разумной достаточности. В связи с этим сегодня, как никогда, от каждого воина требуются конкретные дела, повышение чувства патриотизма, укрепление дружбы, войскового товарищества, верность долгу. Одной из важнейших патриотических задач каждого солдата, личным их вкладом в обороноспособность страны является поддержание боевой готовности подразделения, части на самом высоком уровне, совершенствование воинского мастерства, укрепление дисциплины и порядка.

Человек — центральная фигура в армии. Оттого, насколько умело реализуются в процессе службы его физические и духовные качества, создается необходимый настрой на работу, зависят темпы освоения новейшей военной техники, уровень боевой готовности и успех практических действий подразделений в повседневной обстановке и в условиях реального боя. Однако в последние годы все больше становится очевидным, что полная реализация возможностей человеческого фактора в деле укрепления обороноспособности нашей страны, качественное решение кадровых вопросов в условиях армии как применительно к офицерским специальностям, так и специальностям солдат и сержантов срочной службы во многом зависят от эффективности работы с допризывной и призывной молодежью.

Допризывная подготовка юношей организуется и проводится в соответствии с Законами Республики Узбекистан «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе» и является составной частью системы подготовки юношей к службе в Вооруженных Силах Республики Узбекистан.

Основные направления допризывной подготовки — физическое, духовно-нравственное и военно-патриотическое воспитание подрастающего поколения, подготовка молодежи допризывного и призывного возрастов к труду и обороне государства.

Основными задачами допризывной подготовки юношей являются освоение необходимого объема военных знаний, физическая подготовка, изучение военной истории своей Родины, ее символики и ритуалов, формирование патриота, гражданина, воина.

В процессе допризывной подготовки молодежь изучает положения Конституции, законов Республики Узбекистан о защите Отечества, уясняет назначение Вооруженных Сил, их характер и особенности, значение воинской службы как почетной обязанности граждан республики, основные требования Военной присяги, уставов Вооруженных Сил, знакомится с вооружением и военной техникой воинской части, с жизнью и бытом личного состава, приобретает военные знания и практические навыки в объеме подготовки молодого солдата, осваивает основы гражданской обороны с тем, чтобы юноши, будучи призванными в Вооруженные Силы, смогли в короткий срок овладеть современным оружием и техникой.

Многогранна и специфична работа с допризывной и призывной молодежью. Ее взгляды на жизнь, свое место в ней, характер и традиции еще не у всех молодых людей сложились и устоялись. Юноши полны энергии, желания проявить себя. Однако не все знают, как это сделать правильно, с пользой для общества или коллектива. В этом возрасте в качестве идеала могут быть выбраны как положительные, так и отрицательные примеры.

В ходе допризывной подготовки большое значение придается военно-патриотическому воспитанию юношей.

Патриотизм — это чувство, выражающее отношение любви и преданности людей к своей Родине. Он характеризует стремление человека сделать Отечество более сильным, могучим, процветающим, выражает его готовность выступать на защиту Родины от посягательств чужеземных захватчиков. Чувство патриотизма — это гордость за социальные, экономические, культурные завоевания своего народа, бережное отношение к его боевым, трудовым традициям. Патриотизм также означает и глубокую сыновнюю привязанность к родным местам, где человек родился и где находятся могилы его близких.

«Патриотизм гражданина Узбекистана, — пишет в своей книге «Узбекистан — свой путь обновления и прогресса» Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, — та путеводная звезда, надежный компас, который указывает путь преобразований, не дает отклониться от цели. Любовь к Узбекистану, к его земле, населяющим его людям, стремление глубже познать историю, культуру, традиции края, гордость за мощь и достижения республики, боль и сопереживание в испытаниях, выпавших на долю нашего народа, является важнейшей задачей, консолидирующей основой узбекского многонационального общества».

Патриотизм мыслей, чувств и поступков воинов — это новые рубежи воинского мастерства, это повседневное мужество на учениях, в походах, полетах, на боевом дежурстве, на пограничной вахте.

Эффективность допризывной подготовки значительно возрастает, если она увязывается с задачами Вооруженных Сил, с подготовкой молодежи к высоким морально-психологическим и физическим нагрузкам, которые на нее будут возложены во время службы в армии. Посещение воинской части или военного училища оказывает сильное воздействие на сознание и психологию молодого человека, вступающего в большую жизнь.

В связи с углублением процесса научно-технической революции и сокращением сроков службы возросла необходимость ориентации молодежи на глубокое изучение военно-технических знаний, овладение боевой техникой и оружием, наиболее рациональными способами ее эксплуатации.

Значение военно-технической подготовки молодежи возрастает в связи с тем, что все рода и виды войск оснащены самым совершенным оружием и боевой техникой. Давно нет пехоты в обычном понимании. Мотострелковая рота, например, имеет в своем вооружении только автоматическое оружие (автоматы, пулеметы, пистолеты), гранатометы, установки для поражения танков и воздушных целей, она укрыта броней БМП, БТР, может быть усилена танками, артиллерией и минометами. В интересах мотострелковой роты, действующей на отдельном направлении, могут вести разведку и осуществлять огневое обеспечение вертолеты. Чтобы грамотно действовать на поле боя, мотострелки должны знать их тактико-технические данные и боевые возможности.

Повседневная практика армейской действительности показывает, что одновременно с работой по привитию молодежи любви к технике необходимо вооружать юношей знаниями по обеспечению техники безопасности при ее эксплуатации. Это важная сторона всей работы по формированию у допризывной молодежи технической культуры, ибо мало знать технику, надо еще умело, грамотно и безопасно ее эксплуатировать.

В организации допризывной подготовки молодежи важно учитывать, что армейская служба требует от молодого человека максимального напряжения сил.

Испокон веку считается, что мужчина должен уметь защищать свой дом, свою Родину. Это было в прошлом, это и теперь остается его главной задачей.

Допризывная подготовка юношей является обязательным предметом в общеобразовательных средних школах, профессионально-технических училищах, средних специальных учебных заведениях, гимназиях, лицеях и других средних общеобразовательных учебных заведениях и проводится штатными военными руководителями (руководителями допризывной подготовки).

На допризывную подготовку юношей — учащихся учебных заведений отводится 140 учебных часов, для юношей допризывного возраста, проходящих эту подготовку в оборонно-спортивных оздоровительных лагерях, — 160 учебных часов. Для девушек — учащихся учебных заведений на гражданскую оборону и основы медицинских знаний отводится 70 учебных часов. По гражданской обороне 27 часов проводятся с юношами совместно, а 8 часов по этому разделу подготовки и занятия по основам медицинских знаний — раздельно.

Занятия по допризывной подготовке проводятся: в общеобразовательных школах, лицеях и гимназиях — в 10-х и 11-х классах; в средних специальных учебных заведениях — на предпоследнем и последнем курсах; в средних профессионально-технических училищах — на первом и втором годах обучения, еженедельно по 2 часа или ежемесячно по одному дню 5—6 часов. Юноши, не проходившие допризывную подготовку в учебных заведениях, перед призывом на действительную военную службу проходят ее в оборонно-спортивных оздоровительных лагерях (ОСОЛ). В них же проходят ее дополнительно юноши, не освоившие курс допризывной подготовки в учебных заведениях.

Учебно-полевые занятия (сборы) с юношами — учащимися учебных заведений продолжительностью 3 дня проводятся на завершающем этапе обучения на базе учебных заведений методом ежедневных выходов (выездов) в поле или ОСОЛ.

Для того чтобы полнее понять сущность допризывной подготовки, необходимо ознакомиться с общим содержанием Программы допризывной подготовки, которая состоит из общих организационных указаний, расчета часов по разделам допризывной подготовки, расчета часов по гражданской обороне и основам медицинских знаний для девушек-учащихся, 7 основных разделов, предложений.

В основные разделы входят: вводная тема, прикладная физическая подготовка, стрелковая подготовка, гражданская оборона, основы военного дела, основы воинской службы, основы медицинских знаний.

Завершая изложение первого вопроса, необходимо отметить, что в современных условиях социально-политических перемен в республике, реформирования Вооруженных Сил, проведения школьной реформы значение допризывной подготовки юношей возрастает, требует дальнейшего совершенствования форм и методов ее организации и проведения, согласованных усилий хокимиятов областей, районов, городов, заинтересованных министерств, ведомств и общественных организаций.

Отдел вузов и вневойсковой подготовки Министерства обороны Республики Узбекистан.

(Продолжение следует).

ЛИЦЕЙДА БАЙРАМ

Ўзбекистонда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилиниши Ватанимиз мустақиллиги сари ташланган илк қадам эди. Бу Қонун мамлакатимиз ҳудудида ўзбек тилининг давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Ўзбек халқи Қонунни катта қувончу шодиёна билан кутиб олган эди. Чунки ўзликка қайтиш, тарихимиз, маънавий бойликларимизни тиклаш, урф-одатларимиз, маданиятимизни англаш йўлида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун жуда катта роль ўйнаяпти, десак муболаға бўлмайди.



Яқинда биз бу тарихий санани олти йиллигини нишонладик. Бу қисқа вақт ичида «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш борасида республикамизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, ҳарбий қисм, бўлинма ва ташкилотларда ҳам давлат тилини тадбиқ этиш ва ўрганиш қатъий режа асосида олиб борилмоқда.

Тошкент ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейида «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилинганлигига олти йил тўлиши муносабати билан ўтказилган байрам сўзимизнинг яққол исботидир.

Бу тантанали маросимга лицейда кўпдан бери пухта тайёргарлик кўриб келинмоқда эди. Бу ишга ҳарбий лицей директори Собир Аҳроров, унинг ўқув ишлари бўйича муовини Юрий Гапоненколар бош-қош бўлдилар. Айниқса, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Маъмура Иноятова байрамни мазмунли, серзавқ ва қизиқарли ўтишига катта ҳисса қўшди.

... Чиройли қилиб безалган майдонда тарбияланувчилар саф тортган. Давлатимиз мадҳияси янграгач, ўқув юртининг байроғи олиб чиқилди. Лицей директори С. Аҳроров тарбияланувчиларни қутлуғ сана билан табриклаб, уларга ўқишларида муваффақиятлар тилади ва она-юртимизнинг ҳақиқий посбонлари бўлиб етишиб чиқажакларига ишонч билдирди.

Шундан кейин сўз Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бошлиғи Г. Алимовага берилди. Гуландом Яҳъёвна давлат тилининг аҳамияти, ҳукуматимизнинг унинг ривожлантириш йўлида олиб бораётган ишлари ҳақида гапирди. Ёшларимизнинг соғлом, маънан ва жисман баркамол бўлиб ўсиши барчанинг эътиборида эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Тантана меҳмонлари Халқ таълими вазирлиги бўлимининг бошлиғи Турсунқул Муҳитдинов, «Чўлпон» нашриётининг бош муҳаррири Анвар Обиджонлар ҳам тарбияланувчиларни байрам билан табрикладилар.

Ҳарбий музика садолари остида сафда шаҳдам қадам ташлаб ўтаётган тарбияланувчиларни кўрганимда, беихтиёр, улар бу борада олий ҳарбий билим юрти курсантларидан қолишмаслигига тан бердим.

Байрамнинг тантанали бўлими тугагач, навбат шеър, куй ва қўшиқларга келди. Тарбияланувчилар Шуҳрат Мадаминов, Дилшод Отаметов, Акбар Абдуллаев, Санжар Деҳқоновлар ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, лицейнинг рус синфида ўқиётган Игорь Савенков, Павел Стрельцов, Богдан Цой, Алексей Токмачёвларнинг ўзбек тилида чиройли ва маънодор қилиб шеър ўқишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.



Шунинг билан бирга ҳарбий лицейнинг тарбияланувчилари ўзларининг жисмоний тайёргарликларини ҳам намойиш қилишди. Спорт устаси В. Самерханов бошчилигидаги курашчилар, спорт устаси Н. Кичалин тренерлик қилаётган боксчилар ва катта прапорщик А. Назаров раҳбарлиги остида майдонга чиққан қўл жанги секцияси қатнашчилари турли хил машқ ва усулларни бажаришиб, аълочи жангчи бўлиб етишаётганликларини намоён этдилар.

Тарбияланувчиларни табриклаш учун келган Миробод райони 147-сон Назир Сафаров номидаги Г. Йўлдошева раҳбарлигидаги раҳс гуруҳи ва «Электроаппарат» корхонаси қошидаги «Аист» дастаси ўзларининг рақс ҳамда дилрабо куй ва қўшиқлари билан барчани хушнуд этишди.

Байрам жуда қизиқарли ва завқли ўтди. У тарбияланувчиларда ҳам, ўқитувчиларда ҳам, меҳмонларда ҳам бой таассуротлар қолдирди.

Ж. КОМИЛОВ.

Изучаем узбекский язык
Ўзбек тилини ўрганамиз

34-Й УРОК **34-ДАРС**

Содержание урока: конструкция предложений с помощью причастия прошедшего времени (форма -ган).

Дарснинг мазмуни: ўтган замон сифатдоши ёрдамида гап тузиш (-ган шакли).

Запомните: причастие прошедшего времени образуется прибавлением к основе глагола аффиксов **-ган (-кан, -қан)**, а причастие настоящего времени — с помощью аффикса **-ётган**, который присоединяется не к основе глагола, а к положительной или отрицательной форме **деепричастия на -а, -й**

Сравните:

1. Причастие прошедшего времени (основа глагола — аффиксы -ган, -кан, -қан):

отган солдат — стрелявший (отстрелявший) солдат; солдат, который отстрелял;

ёзган солдат — написавший солдат; солдат, который написал;

дам олган солдат — отдыхавший солдат; солдат, который отдыхал;

ўқиган солдат — читавший солдат; солдат, который читал.

2. Причастие настоящего времени (основа глагола — деепричастия на -а, -й):

отаётган солдат — стреляющий солдат; солдат, который стреляет;

ёзаётган солдат — пишущий солдат; солдат, который пишет;

дам олаётган солдат — отдыхающий солдат; солдат, который отдыхает;

ўқиётган солдат — читающий солдат; солдат, который читает.

Задание 1. Переведите на узбекский язык:

1. Войска, находящиеся в боевой готовности.
2. Своевременно выполненная боевая задача.
3. Испытанная в горах боевая машина.
4. Боевое мастерство, полученное в ходе занятий.
5. Боевая стрельба, начавшаяся (начатая) с раннего утра.

Задание 2. Из нижеследующих словосочетаний составьте предложения. Укажите причастные формы глагола, переведите на русский язык.

1. Кириб келган янги йил. 2. Жангларда синалган жанговар машина. 3. Тўйиб дам олган солдатлар. 4. Тўйиб овқатланган солдатлар. 5. Тўйиб ухлаган солдатлар. 6. Буйруқ берган командир. 7. Тунги отиш машқини бажарган рота. 8. Углини кўргани келган ота-оналар. 9. Мукофотланган солдат. 10. Ҳарбий хизматга чақирилган йигит.

Словарь

находиться — бўлмоқ, турмоқ;
своевременно — ўз вақтида;
выполнить — бажармоқ;
испытать — синамоқ;
боевое мастерство — жанговар маҳорат;
получить — олмоқ;
в ходе — ... вақтида, чоғида;
боевая стрельба — жанговар отиш;
с раннего утра — эрта тонгдан;
тўйиб дам олмоқ — полностью отдохнуть;
тўйиб овқатланмоқ — покушать досыта;
тўйиб ухламоқ — выспаться всласть;
буйруқ берган — отдавший приказ;
кўргани келмоқ — приехать, чтобы увидеть;
тунги отиш машқи — ночная стрельба, тренировка ночной стрельбы;
мукофотламоқ — премировать;
чақирилмоқ — призываться.

Задание 3. Переведите на русский язык.

Гапирган солдат. — Солдат, который говорил; говоривший солдат.

Гапирган солдатнинг. —
Гапирган солдатни. —
Гапирган солдатга. —
Гапирган солдатда. —
Гапирган солдатдан. —
Гапирган солдат билан. —
Гапирган солдат ҳақида. —
Гапирган солдатшикига. —
Гапирган солдатнинг олдига. —
Гапирган солдатнинг ёнига. —
Гапирган солдатнинг ёнидан. —

— Бу гапирган солдат ким?

— Гапирган солдат ротамизнинг аълочиси.

— Гапирган солдатнинг фамилияси нима?

— Гапирган солдатнинг фамилияси Иванов.

— Гапирган солдатни бу ерга чақиринг.

— Нима, гапирган солдатга бир нима (что-нибудь, что-то) демоқчимисиз?

— Йўқ, гапирган солдатда ишим бор.

— Гапирган солдатда нима ишингиз (какое дело) бор?

— Гапирган солдат билан гаплашмоқчиман (хочу поговорить).

— Гапирган солдат ҳақида нима биласиз?

— Гапирган солдатникига ўхшаш (как у говорившего солдата) этигингиз борми?

— Юринг, гапирган солдатнинг олдига борамиз.

— Мен ҳозир гапирган солдатнинг олдидан келдим.

— Гапирган солдатнинг ёнига нега бормайсиз?

— Гапирган солдатнинг ёнидан ҳозир келдим.

Э. ГОЙИБНАЗАРОВ, доцент.

БАЗАРОВ ПРОТИВ БАЗАРОВА

УЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Поединки между термезским АСК и ташкентским «Пахтакором» всегда отличались остротой, вне зависимости от занимаемых мест. В 1992-м году дважды побеждали ташкентцы, а в 1994-м термезчане. В нынешнем «Пахтакор» на выезде выиграл 3:2, так что к «домашнему» матчу имел определенный перевес...

В интересной, зрелищной, насыщенной голевыми моментами игре шансы на успех были примерно равными. Однако хозяева использовали свои почти полностью, чего не скажешь о гостях — в этот день у них явно «сбился прицел».

Интригой матча стала дуэль братьев Базаровых: Бахтиёр возглавил атаки АСК, а его братишка Равшан — стал лучшим в нападении «Пахтакора». Он и забил своим землякам в первом тайме два безответных гола. Не оправившийся от перенесенного гриппа Базаров—старший не сумел реализовать свои моменты.

Матч получился несколько жестковатым — в первом тайме гости травмировали Дильмурада Назарова, а во втором уже хозяева «выбили» Сухроба Солохиддинова. Блиставший в игре с «Трактором» армеец Ахмед Эшкурбанов в Ташкенте сыграл бледно, неуверенно, а вот заменивший его во втором тайме Равшан Дурманов усилил линию атаки гостей. Так, во втором тайме, стоя спиной к воротам, он красиво перебросил мяч через Бугало, и только Микляев, как говорится, чудом сумел спасти команду от гола, выбив мяч на угловой.

В команде хозяев кроме Р. Базарова отлично сыграл заменивший Д. Назарова Шухрат Максудов. После его сольного прохода только штанга отразила удар. Как заправский слаломист, обошел сразу троих Микляев, и только Ахтянову удается выбить мяч. И тут же следует ответ гостей. И уже Р. Дурманов хватается за голову — прямо против ворот он красиво обвел защитника, но мяч рядом со штангой уходит мимо.

Промахов в этот день хватало, особенно у гостей. Сначала со штрафного значительно выше ворот бьет Р. Халиулин, затем в таком же положении «мажет» О. Пугальцов. Да, над розыгрышем стандартных положений термезским армейцам еще много надо поработать...

Под занавес матча желтую карточку «заработал» у гостей Дурманов, после свистка арбитра не удержавшись от удара по воротам. Перед последней игрой чемпионата с «Политотделом» для АСК это будет ощутимой потерей...

Капитан А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

ЛЕГКИХ ПОБЕД НЕ БЫВАЕТ

В исходе матча предпоследнего тура чемпионата Узбекистана по футболу между командами МХСК и «Чирчиком» никто не сомневался. Было ясно, что армейцы победят, ведь они пока еще не потеряли шансов и надежду на первое место, и очки для них, как говорится, буквально на вес золота. «Чирчик» же уже давно и прочно обосновался на последнем месте, имеет в активе всего три победы и смирился с участью расставания с высшей лигой. Так что, казалось, игра сложится для команды МХСК легкой.

Любая команда имеет честолюбие и гордость, какое бы она место ни занимала. Об этом надо всегда помнить и к каждому сопернику следует относиться с уважением. Я понимаю, что армейцам нелегко было настроиться на матч с аутсайдером. Казалось, что будучи уверенными в своей победе, многие из наших футболистов держали в голове полуфинальный кубковый матч с «Согдианой», который состоится в среду.

Очень спокойно начали игру армейцы, что было на руку их соперникам. Ведь когда МХСК действует на высоких скоростях, то очень трудно уследить за перемещениями игроков, и оборона даже самых именитых клубов начинает трещать по швам.

При неторопливой же игре, оттянувшись всей командой к своим воротам, футболисты «Чирчика» успешно отражали атаки хозяев поля. А иногда и сами делали попытки контратаковать и даже однажды создали голевой момент, но надежно сыграл вратарь армейцев Олег Беляков.

Но в основном территориальное и игровое преимущество было у армейцев. Они подолгу разыгрывали мяч, но вот острых ситуаций создавали мало. И только выход на поле оправившегося от травмы Ойбека Усманходжаева оживил игру в нападении.

И на 34-й минуте после подачи Февзи Давлетова с фланга Шухрат Рахманкулов головой послал мяч в сетку ворот «Чирчика». До конца первого тайма наши футболисты непрерывно атаковали, но, к сожалению, безуспешно.

Во второй половине встречи рисунок игры не изменился. Вновь на поле полным хозяином положения были армейцы. Но преимущество свое реализовать в голы никак не удавалось. На 58-й минуте, прерывая передачу, защитник гостей сыграл рукой в штрафной площади, за что был назначен одиннадцатиметровый удар. К мячу направился лучший бомбардир МХСК Ойбек Усманходжаев. Но пробил он несильно, и вратарь, угадавший направление удара, в броске сумел взять мяч.

Армейцев эта неудача не смутила, и они продолжали атаковать. Несколько раз был близок к успеху Ойбек Усманходжаев. На 70-й минуте он буквально с 5 метров попал прямо во вратаря гостей.

Активен был и Нумон Хасанов, который неоднократно демонстрировал свой прекрасный дриблинг, легко обходил нескольких соперников, но в последний момент у него все-таки выбивали мяч.

Гол назревал. На 75-й минуте в штрафную врывается Мухтар Курбанов. Чтобы предотвратить выход один на один с вратарем, его останавливают недозволенным приёмом. Пенальти. Вновь это дело товарищи доверяют Ойбеку Усманходжаеву. Обычно такое случается редко, когда после незабитого одиннадцатиметрового один и тот же игрок второй раз в матче пробивает пенальти. Считается, что он психологически не готов к этому, и преимущество на стороне голкипера. Но Усманходжаев решил реабилитировать себя и не подвел одноклубников. Удар его в левый нижний угол был точен. Таким образом счет стал 2:0.

И после этого были моменты, когда армейцы могли поразить ворота. Но счет до конца встречи не изменился.

Теперь нашим футболистам предстоит ответная встреча на Кубок Узбекистана по футболу с «Согдианой» и матч последнего тура чемпионата на выезде с маргиланским «Атласчи». А основной соперник МХСК в борьбе за золотые медали «Нефтчи» встретится в Самарканде с «Динамо». От результатов этих игр и будет зависеть, как распределятся места в призовой тройке чемпионата страны по футболу.

Майор К. ЖАББАРОВ.

Результаты остальных игр 29-го тура: «Трактор» — «Динамо» — 2:1, «Политотдел» — «Навруз» — 1:1, «Темирйўлчи» — «Атласчи» — 1:2, «Навбахор» — «Машъал» — 8:0, «Нурафшон» — «Нефтчи» — 0:3 (техн. победа), «Пахтакор» — АСК — 2:0. Перенесенный с 24-го тура матч «Нефтчи» — «Политотдел» завершился при счете 3:1, а матч «Согдиана» — «Янгиер» перенесен.

Положение команд на 31 октября:

	И	В	Н	П	М	О
«Нефтчи»	29	23	4	2	85—32	73
МХСК	29	22	5	2	69—19	71
«Навбахор»	29	22	3	4	69—22	69
«Пахтакор»	29	19	5	5	68—26	62
«Нурафшон»	[illegible]	13	1	15	39—53	40
«Атласчи»	[illegible]	11	4	14	36—47	37
«Политотдел»	[illegible]	10	6	13	37—49	36
АСК	[illegible]	10	5	14	36—48	35
«Динамо»	[illegible]	10	5	14	27—36	35
«Трактор»	29	9	8	12	32—41	35
«Навруз»	29	9	7	13	34—45	34
«Согдиана»	28	10	3	15	43—45	33
«Янгиер»	28	9	5	14	32—41	32
«Машъал»	29	7	5	17	21—58	26
«Темирйўлчи»	29	6	3	20	28—64	21
«Чирчик»	29	3	7	19	20—49	16

● НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ

ЮБИЛЕЙ СТАРЕЙШЕЙ БИБЛИОТЕКИ

Исполнилось 125 лет со дня основания Государственной библиотеки имени Алишера Навои. Этот храм знаний надежно служит многим поколениям ташкентцев, всех жителей Республики Узбекистан.

Сейчас в фондах библиотеки насчитывается около 5 миллионов рукописей и книг. Среди них немало уникальных произведений, созданных на арабском, персидском, русском, английском языках.

В большом читальном зале библиотеки состоялась научная конференция, посвященная юбилею. В ней приняли участие ученые, писатели, библиотекари, представители общественности.

В выступлениях подчеркивалась исключительная роль старейшей библиотеки в духовной жизни народов нашей страны и всей Центральной Азии.

«УЗБЕКФИЛЬМУ» — 70 ЛЕТ

Исполнилось 70 лет со дня основания киностудии «Узбекфильм». По этому случаю здесь прошло торжественное собрание, поздравить коллектив с юбилеем пришли ветераны узбекского кино, мастера киноискусства, представители общественности.

Собравшиеся говорили о вкладе киностудии в развитие киноискусства нашей страны.

(УзА).

Топқирлик машқи

ЭНИГА: 5. Давлат Қуролли Кучлари мажмуи. 6. Энергиянинг сақланиш қонуни кашфиётчиси бўлган инглиз физик олими. 9. Марказий Осиё халқлари меросини ўрганган файласуф олим. Беруний мукофоти лауреати. 10. Ер юзининг маълум хусусияти билан ажралиб турадиган ҳудуди. 11. Калтакесакларнинг энг йирик тури. 13. Пилнинг куз фаслида ўтказиладиган қадимий байрам. 14. Улуғ ҳинд ёзувчиси, «Ҳалокат» романи муаллифи. 17. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар. 21. Ойнинг ҳаракати даврига асосланган йил ҳисоби. 22. Тожик ва форс мумтоз шоири, «Қариликка қасида» асари муаллифи. 23. Камёб йиртқич ҳайвон. 24. Ўш вилоятидаги шаҳар. 25. Илдизидан кўпиртирувчи модда олинадиган ўсимлик. 26. Шарқ мумтоз адабиётида бирор шоирнинг шеърий тўплами.



БУЙИГА: 1. Қадимги юнон математик ва физик олими. 2. Савдо-сотиқ ишларини ташкил этиш соҳаси. 3. Суғъий, кимёвий ашёлар мажмуи. 4. Қадимий юнон адиби ва тарихчиси, «Қиёсий ҳаётномалар» асари муаллифи. 7. Қовун нави. 8. Қуёш ботаётган пайт. 12. Кўчма радиостанция. 13. Автомобиль қисми. 15. Содда тарозида қўлланиладиган мослама. 16. Маълум вақтдаги ҳаракат ва тебраниш миқдори. 17. Ер юзидаги энг баланд тоғ. 18. Таниқли авиаконструкторлардан бири. 19. Бойсунтоғдаги кўҳна ғор макони. 20. Тригонометрик функция.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 127-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИ ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича «занжир» ҳолида: 1. Машраб, 2. Бадиҳа, 3. «Авазхон», 4. Наргис, 5. Сапёр, 6. Ралли, 7. Изомер, 8. «Роҳат», 9. Тамбур, 10. Ражаб, 11. Блиндаж, 12. Жоди, 13. Ишим, 14. Мерган, 15. Нурота, 16. Аслаҳа, 17. Ананас, 18. Соат, 19. Теша, 20. Афзал, 21. Логарифм.

Ёйлар бўйича: 22. Прокат, 23. Арслон, 24. Ниноот, 25. Ҳулкар, 26. Адолат, 27. Протон, 28. Олатов, 29. Вокзал.

Узбекистан на выставке в Париже

В столице Франции, в Национальной галерее Большого дворца Парижа, состоялось торжественное открытие выставки, получившей название «Серенада, земля Будды. Десять веков искусства на Шелковом пути». Она подготовлена в рамках крупной программы ЮНЕСКО, «Шелковый путь — путь диалога». В этой программе особое место отводится изучению истории культуры государств Центральной Азии, ибо они, в силу своего географического положения, сыграли ведущую роль в развитии экономических связей, передаче научных, образовательных и религиозных идей между Востоком и Западом.

Выставка организована собранием национальных музеев Франции при участии посольства Узбекистана в Париже и посольства Французской республики в нашей столице. Продлится она до 19 февраля 1996 года.

Термин «Серенада», малоизвестный в Узбекистане, ввел английский географ Орель Стейн. Он означает огромную территорию между Индией и Китаем, где возникла и развивалась уникальная культура.

На парижской выставке представлены экспонаты из крупнейших музеев мира — таких, как Бевлинский музей, Санкт-Петербургский Эрмитаж, Британский музей, Национальный музей этнографии Стокгольма, Национальный музей Токио и другие.

Огромный интерес у посетителей вызывают экспонаты, представленные Ташкентским научно-исследовательским институтом искусствознания имени Хамзы. По словам директора национальных музеев Франции Франсуаза Кашэна и генерального хранителя Национального музея азиатского искусства Жана Франсуа Жаррижа, узбекские экспонаты уникальны и не имеют себе равных по исторической ценности.

По приглашению ЮНЕСКО и Министерства культуры Франции в открытии выставки приняли участие заместитель премьер-министра Республики Узбекистан С. Саидкасымов и посол Республики Узбекистан во Франции А. Саидов.

(УзА).

Бош муҳаррир подполковник И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. Ф. КУНАЕВА, 21

ТЕЛЕФОНЫ: Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90. Дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Заказ № 0536.